

# Qishloq hayoti

2015 йил йили Кексаларни эъволаш

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi [www.qishloqhayoti.uz](http://www.qishloqhayoti.uz) 2015-YIL 29-YANVAR, PAYSHANBA, 12 (8405)-son 1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



**"Ўзбекистон ҳаво йўллари":**

## ТАРАҚҚИЁТ УҒҚЛАРИ САРИ

**Президентимизнинг 1992 йил 28 январдаги фармони асосида ташкил этилган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ўтган даврда катта муваффақиятлар йўлини босиб ўтди**

Юртбошимиз раҳнамолигида миллий авиакомпания фаолиятини такомиллаштириш, авиапаркин янгилаш, инфратузилмаларини модернизация қилиш, илғор техника ва технологияларни амалиётга жорий этиш ўзининг юксак самарасини бермоқда. Айти пайтда миллий авиакомпания паркида қатор замонавий самолётлар, жумладан, ўнта А320 ва тўртта Boeing-767-300ER ҳаво лайнери мавжуд. Бугунги кунда мамлакатимиз байроғи туширилган лайнерлар дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатига парвоз қилмоқда. "Тошкент", "Бухоро", "Навоий", "Самарқанд", "Фарғона" ва "Урганч" аэропортларида янги йўловчи терминаллари муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Миллий авиакомпания томонидан 2014 йилда 23 минг 811 та парвоз амалга оширилиб, 2 миллион 625 минг нафардан зиёд йўловчи ўз манзилига етказилди. Айти пайтда юк ташиш, жумладан, почта ва пуллик бағаж кўрсаткичи 42 минг 812 тоннадан зиёдни ташкил қилди. "Навоий" аэропорти негиздаги халқаро интермодал логистика маркази орқали юк ташиш ҳажми 30,9 минг тоннадан ошди. Дарвоқе, ушбу марказ очилганидан буён дунёнинг турли мамлакатларига 200 минг тоннадан ортиқ юк ташилди.

Ўтган йили Сингапур ва Хабаровск шаҳрига янги йўналишлар очилди, Урумчи шаҳрига иккинчи қатнов йўлга қўйилди. Шунинг-

дек, Амритсар ва Деҳли шаҳарларига кундалик қатновлар икки баробар кўпайтирилди. Рига шаҳрига тўғридан-тўғри ва маҳаллий Бухоро – Фарғона қатнови амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини ривожлантириш мақсадида жорий йилда европалик сайёҳлар учун маъқул бўладиган Франкфурт шаҳридан Урганчга янги қатновлар амалга оширилади. Шунингдек, Тошкент – Минск йўналишини очиш режалаштирилмоқда.

Ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш ва уларнинг яроқлилик муддатини таъминлашда эса "Uzbekistan Airways Technics" авиакорхонасининг фаолияти эътиборга молик. Авиакорхонанинг техник базаси ва юқори ма-

лакали мутахассислари миллий авиаташувчимиз самолётлари билан бир қаторда хорижий компаниялар лайнерларига ҳам линияли ва таянч техник хизмат кўрсатилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш тизимининг мунтазам такомиллаштирилаётгани компания фаолиятида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўқитиш билан бир қаторда учувчилар, борт кузатувчилари, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш мутахассисларининг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Буларнинг барчаси хавфсиз ва қулай парвозларни амалга ошириш, янги-янги истиқбол уфқларини очиш имконини бермоқда.

### САҲИФАЛАРДА:

#### МЕҲР-МУҲАББАТ ВА САДОҚАТГА БАХШИДА УМР

Қарши шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия ижодига бағишланган «Умр мазмуни» деб номланган адабий-бадиий тадбир бўлиб ўтди.

2

#### МУРАБИЙЛАР МАҲОРАТИНИ ОШИРМОҚДА

Чет тиллари ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириш мақсадида туман ва шаҳарлардаги таянч мактаблари негизда ҳафталик курслар ташкил этилмоқда.

3

#### ЎРМОНЛАР ҲАЁТ ХАЗИНАСИДИР

Яшиллик олами жонқурларининг изланишлари, астойдил қилаётган меҳнатлари самарасида соҳа ҳар жиҳатдан ривожланиб, такомиллашиб борапти.

4



#### ДОНА ДОН БОТМОН БЎЛУР...

Бўни яхши билишган миришкор деҳқонлар галла экиганидан то йиғиштириб олингунгача бўлган агротехник тадбирларни обитобида ўтказишга ҳаракат қилишади. Жумладан, қиш қаслида ҳам...

5



**Миллий авиакомпания томонидан 2014 йилда 23 минг 811 та парвоз амалга оширилиб, 2 миллион 625 мингдан зиёд йўловчи ўз манзилига етказилди.**

# ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Навийда 2014 йил якунлари ва 2015 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.**

Вилоят ҳокими Э.Турдимов бошқарган йиғилишда асосий эътибор Президентимиз Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросига қаратилди.

2014 йилда вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида сезиларли ўсиш суръатлари кузатилди. Хусусан, ялпи ҳудудий маҳсулот 4 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,8, истеъмол моллари тайёрлаш 5,1, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7, чакана савдо айланмаси 15,3, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 14,9, пудрат ишлари 8,4 фоизга ўсди.

Хисобот даврида вилоят иқтисодиётига 1,5 триллион сўмлик инвестициялар жалб этилди. Унинг 176,7 миллиард сўми хорижий инвестициялар ҳиссасига тўғри келди. Эътиборлиси, инвестициялар асосан

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ҳамда лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоқларида замонавий юқори технологиялар билан жиҳозланган, умумий қиймати 27,1 миллиард сўмга тенг иккита йирик лойиҳа амалга оширилди. Саноат салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида 231 ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди. Шунинг ҳисобига 6 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Ўтган йили хизматларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 27,8 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг қарийб 41 фоизи ушбу тармоқда меҳнат қилаётир.

Вилоятда 2014 йили 460,4 миллион долларлик 47 турдаги тайёр маҳсулотлар экспорт қилинди. 160,6 километр ичимлик суви, 58,3 километр электр, 21,4 ки-

лометр табиий газ тармоқлари, 65,3 километр автомобиль йўллари фойдаланишга топширилиб, ушбу мақсадларга қарийб 33 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш ва зарур инфратузилмани ташкил этиш Дастурини амалга ошириш ишлари жадал давом эттирилди. Ўтган йили намунавий лойиҳалар асосида 677 уй-жой барпо этилди. Янги массивларга 34,7 километр ичимлик суви, 15,5 километр электр, 23,6 километр газ тармоғи тортилиб, 16,7 километр йўллар қурилди.

Хисобот даврида 762 янги кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши сўнгги 5 йилда 29,1 фоиздан 36,9 фоизга етди.

2014 йилда эришилган ютуқларни қайди этиш билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар таҳлил ва танқид қилинди. Бу борада ечимини кутаётган масалалар юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.Ибрагимов сўзга чиқди.

**Н.РАҲИМОВ,**  
**ЎЗА мухбири.**

Қашқарё Вилояти

Президентимизнинг  
2014 йил 31 октябрдаги  
“Ўзбекистон халқ шоири  
Зулфия таваллудининг  
100 йиллигини нишонлаш  
тўғрисида”ги  
Қарори ижроси доирасида  
Муллаётҗи  
Тошмуҳаммедов номли  
вилоят мусиқали драма  
театрида “Умр мазмуни”  
деб номланган  
адабий-бадиий тадбир  
бўлиб ўтди.

## МЕҲР-МУҲАББАТ ВА САДОҚАТГА БАҲШИДА УМР

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси, вилоят ўрта махсус касб-хунар ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтириш жараёнида адабий-тимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшган ижодкорлар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг меросини чуқур ўрганиш, асарларидан ёш авлодни эзгу фазилатлар соҳиби этиб тарбиялашда кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Зулфия нафақат бетакрор ижоди, балки қизгин ижтимоий фаолияти билан ҳам маънавий ҳаётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган истеъдод соҳибаларидан бири эди. Президентимиз “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарига нафақат ўз ижоди, балки бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намоён этган атоқли шоирамизнинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари шарқ аёлининг ақлу зақоси, фазлу камолнинг ёрқин ифодаси сифатида миллионлаб шеърят мухлисларига, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берганини алоҳида таъкидлаган.

Президентимизнинг 1999 йил 10 июнда қабул қилинган “Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ адабиёт, санъат, маданият, фан, таълим соҳаларида фаол ишлаётган, интилувчан ва ташаббускор қизлар ушбу мукофотға сазовор бўлишмоқда. Бу мукофот юртимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган қизларнинг орзу-интилишлари, истеъодларини юзага чиқариш, уларга қанот бағишлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу кунга қадар вилоятдан 14 нафар қиз ушбу мукофот соҳибаси бўлди.

Тадбир давомида иқтидорли ёшлар Зулфияхоним ҳаёти ва ижоди ҳақида тўхталиб, шоиранинг шеърларидан ўқидилар.

**Хусан ТЕМИРОВ**

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА

**Пойтахтимизда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюмаси билан ҳамкорликда “Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда журналистнинг масъулияти” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.**

Тадбирда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Бу борадаги кенг кўламли ишларни жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни муҳимдир. Шунинг баробарида инсон ҳуқуқлари йўналиши бўйича асосли ва халқчил материал тайёрлаш журналистлардан катта масъулият ҳамда қонунчилик соҳасидаги саводхонликни талаб этади. Айна пайтда республикада ҳуқуқий тарғибот



йўналишида 100 дан ортиқ нашр фаолият кўрсатмоқда. Уларда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, аҳоли, ёшларда ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, жамиятдаги фаоллигини оширишга хизмат қиладиган таҳлилий материаллар чоп этилмоқда.

Тадбир доирасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнининг босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини

ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида эълон қилинган “Инсон ҳуқуқлари – журналист нигоҳида” республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танлов натижаларига кўра, “Ватанпарвар” газетаси муҳбири Наргиза Асадова биринчи, “Ҳуқуқ ва бурч” газетаси муҳбири Жамшид Ниёзов иккинчи ва “sharh.uz” сайтидаги материаллари учун Шарофиддин Тўлаганов учинчи ўринга муносиб деб топилди.

Ғолиблар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирланди.

**Инобат МАТЭҚУБОВА,**  
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Жиззах Вилояти

## ЭНГ ЯХШИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ

**Жиззах шаҳрида аънанавий “Энг намунали милиция таянч пункти” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтган тадбир аввалида “Отан, онам – ички ишлар ходимлари” мавзусида расмлар кўргазмаси уюштирилди. Соҳа вакиллари-нинг фарзандлари чизган рангташвир намуналари ушбу кўргазмадан жой олди. Шундан сўнг профилактика инспекторларининг жиноятчиликка қарши кураш ва осойишталикни таъминлашга доир фаолияти акс этган видеоларлар намойиш этилди.**

Танловда Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка қарши курашга доир фаолияти, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари, жанговар тайёргарлиги, милиция таянч пунктларининг замон талабларига мослиги ба-

ҳоланди. Қатнашчиларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик билан алоқалари, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни спортга жалб қилиш каби масалалар ҳам ҳакамлар

ҳайъати эътиборида бўлди.

Кўрик-танловда биринчи ўринни Пахтакор туманининг “Буюк ипак йўли” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 116-сонли милиция таянч пункти профилактика инспектори Маҳмуд Умиров эгаллади. Иккинчи ўрин Зарбдор туманининг “Янгикент” қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 99-сонли милиция таянч пункти профилактика инспектори Жамшид Зиёевга насиб этди. Баҳмал туманининг Ўснат шаҳарчасидаги 53-сонли милиция таянч пункти профилактика инспектори Асрор Абдуллаев эса учинчи ўринга лойиқ қўрилди.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти сайловини  
ўтказувчи 14-Тошкент  
шаҳар округ сайлов  
комиссияси томонидан  
оммавий ахборот воситалари  
вакиллари учун  
брифинг ўтказилди.

## САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Унда мазкур округ сайлов комиссияси раиси Ж.Иноғомов ўтган вақт давомида сайловга тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилган ишлар хусусида маълумот берди.

Жорий йилнинг 29 март куни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини бўлиб ўтиши муносабати билан Марказий сайлов комиссияси томонидан Тошкент шаҳри чегараси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар сайлов округи тузилиб, округ сайлов комиссияси ва унинг шахсий таркиби тасдиқланди.

Округ сайлов комиссиясининг иш режаси тузилди. Округ сайлов комиссияси аъзолари “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини тўғрисида”ги қонуннинг жойлардаги ижросини назорат этиш ва сайлов участкаларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида барча туманларга бириктирилди. 14-Тошкент шаҳар округи ҳудудида 653 сайлов участкаси тузилди. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик ва сайлов жараёнини ёритиш бўйича Тошкент шаҳар матбуот маркази ташкил этилди.

Сайловолди тадбирлари билан сайловчиларни кенг хабардор этиш мақсадида сайлов участкаларининг ҳудудий чегаралари, жойлашган манзили тўғрисидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинади.

Мамлакатимизнинг миллий сайлов қонунчилигиға биноан округ сайлов комиссияси учун бино ва хоналар ажратилиб, комиссиянинг самарали фаолият юритиши учун зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Брифингда округ сайлов комиссияси аъзолари томонидан журналистларни қизиқтирган саволларға атрафлича жавоб қайтарилди.

**Н.УСМОҲОВА,**  
**ЎЗА мухбири.**

# МУРАББИЙЛАР МАҲОРАТИНИ ОШИРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институтида чет тиллари ўқитувчиларининг касбий маҳоратини оширишга бағишланган анжуман ташкил этилди.



Унда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда чет тилларини ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш, чет тилларида эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда, шунингдек, чет тили ўқитувчиларининг малака ва маҳоратини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Умумтаълим муассасаларида чет тиллари ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ошириш бўйи-

ча туман ва шаҳарлардаги таянч мактаблари негизида ҳафталик курсларни ўтказиш тизимидан ҳам айна шу мақсад кўзланган. Унга асосан педагоглар ўз иш жойларидан ажралмаган ҳолда махсус тайёрланган ўқитувчи-мураббийлар устозлигида доимий фаолият кўрсатувчи ўқув курсларида таълим олишлари мумкин бўлади. Бундай ўқув курслари республикамиздаги 550 та таянч мактабда фаолият кўрсатади.

Бунинг учун мурабийликка ҳар бир тумандан тажрибали ўқитувчилар танлаб олинади ва ўқув-машғулотлар аввалида махсус тайёргарликдан ўтказилади.

Айни пайтда мураббийлар учун ўқув машғулотлари ўтказилмоқда. Бир ҳафта

давомида тайёргарликдан ўтган мураббий-ўқитувчилар жорий йилнинг 1 мартдан бошлаб бир вақтнинг ўзиде 21 мингдан зиёд чет тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш учун ўқув-машғулотларини бошлайдилар. Мураббийларга керак пайтда зарур методик ёрдам кўрсатилади ва уларнинг фаолияти назорат қилиб борилади.

Умумтаълим мактабларида таҳсил берадиган чет тили ўқитувчиларининг замон талаблари даражасида ўқитиш маҳоратини эгаллаши, шубҳасиз, хорижий тиллар таълими сифат ва самардорлигининг ошишига замин яратади.

**Наргиза ҲУСАНОВА,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.

Бухоро Вилояти

Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилган изчил ислохотлар натижасида фарзандларимиз кўплаб соҳаларда ўз иқтидорларини намойиш этиб, юқори натижаларни қўлга киритишмоқда. Бунинг бизнинг таълим муассасамиз — Бухоро туманидаги Галаосиё иқтисодийёт коллежи мисолида ҳам кўриш мумкин.

## ИҚТИДОР ВА ИСТЕЪДОДГА ЭЪТИБОР

муваффақиятларга замин яратади



Коллежимизда 451 нафар ўқувчи бухгалтерия ҳисоби ва аудит, маркетинг, сугурта иши, миллий этнографик бадиий либослар дизайнери, компьютер ва компьютер тармоқларини таъмирлаш мутахассисликлари бўйича таҳсил олади. Бу ерда ёшларнинг чуқур билим олиши, танлаган касби бўйича етарли малакага эга бўлишлари учун барча шароитлар яратилган. Ўқув хоналари замонавий ахборот технологиялари билан тўлиқ жиҳозланган.

Малакали ўқитувчилар раҳбарлигида ташкил этилган ўнга яқин тўғрақ фаолияти ҳам ёшларнинг ўз иқтидорини намоеън этишида муҳим ўрин тутмоқда. Коллежнинг “Илҳом” ижодкор ёшлар тўғраги аъзоси Шахло Ҳайдарова ўз ижод намуналари билан туман ва вилоят матбуотида тез-тез қатнашиб туради. У ўтган ўқув йилида вилоят ҳокимлиги стипендияси соҳибаси бўлди.

Гулжон Маратова эса билим даргоҳининг спортсевар ёшларидан бири. Болалигидан таэквандо спорт турининг ИТФ йўналиши билан шуғулланиб келадиган Гулжон коллеждаги “Ёш спортсеварлар” тўғраги машғулотларида мунтазам қатнашади. У қатор вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаган. Ўтган йили ушбу спорт тури бўйича ўз вазнида Ўзбекистон чемпиони номига сазовор бўлди.

Коллежимизда интилувчан ва изланувчан ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Уларнинг қизиқишлари ҳамда ташаббусларини қўллаб-қувватлаш эса биз устозлар зиммасидаги масъулиятли вазифадир. Жонажон ўқувчиларимиз — фарзандларимиз келажак учун ана шу вазифани сидқидилдан адо этишга ҳаракат қиламиз. Зеро, уларнинг бугунги муваффақиятли одимлари келгусида улкан зафарларига замин бўлади.

**Зулайхо РАИМКУЛОВА,**  
Бухоро туманидаги  
Галаосиё иқтисодийёт коллежи  
ўқитувчиси.

## МУЛОҚОТ

# Бўлажак фермерлар — келажак бунёдкорлари

**Тошкент давлат аграр университетида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамкорлигида аграр соҳада юқори малакали мутахассислар тайёрлаш — мамлакат қишлоқ хўжалиги ва фермерлик ҳаракати ривожининг гарови мавзусида амалий мулоқот ўтказилди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вакиллари, Тошкент давлат аграр университети ўқитувчи-профессорлари ҳамда талабалари, шунингдек, тадбиркор ва фермерлар иштирок этди.

Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида аграр соҳада юксак муваффақиятларга эришилмоқда. Бу жараёнда фермерлик ҳаракати нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, балки қишлоқда ижтимоий масалаларни ҳал этишда муҳим кучга айланмоқда.

Айни пайтда фермерлик ҳаракати тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган интеллектуал ва салоҳиятли ёш мутахассисларнинг давлат ва жамият ривожининг турли тармоқларида фаол иштирокини таъминлаш муҳим аҳамият эга.

Фермерлар ва қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимларининг фидокорона меҳнати билан ўтган йилда юксак самараларга эришилди. Хусусан, 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта, 8 миллион 50 минг тонналик галла хирмони бунёд этилди. Шунингдек, 2012-2014 йилларда пахта етиштириш ҳажми сақланган ҳолда, сабзавот етиштириш 16,3 фоиз, полиз экинлари 16,6 ва мева етиштириш қарийб 21 фоизга



ўсди. 2010-2014 йиллар давомида қарийб 50 минг гектар майдонда янги боғлар, жумладан, 14 минг гектардан ортиқ майдонда интенсив боғлар, 23 минг гектар ер майдонларида узумзорлар барпо этилишида фермерларнинг ҳиссаси катта бўлди. Бу эса нафақат юртимиз аҳолисини сархил мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш, балки хорижга ҳам маҳсулот экспорт қилиш ҳажмининг оширмоқда.

Бугунги кунда аграр соҳага ихтисослашган таълим масканларида билим олаётган ёшлар томонидан қишлоқ хўжалигига янги инновацияларни жорий этиш, маҳсулотларни интенсив усулда етиштириш, янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш борасида қатор ютуқларга эришилмоқда.

Тадбирда аграр соҳани янада ривожлантиришда қишлоқ хўжалигига ихти-

сослашган олий таълим муассасалари, касб-хунар коллежлари ўқувчи-ёшларининг назарий ва амалий билимларини янада бойитиш, ёш фермерларни кашф қилиш ҳамда соҳа мутахассислари иштирокида ўқув-семинарлари, амалий мулоқотларни мунтазам ўтказиб бориш ва турли танловларни жорий қилиш муҳим аҳамият касб этиши тўғрисида сўз юритилди.

— Ташкил этилган ушбу амалий мулоқотдан биз каби ёшлар билим ва кўникмаларимизни янада бойитдик, — дейди Тошкент давлат аграр университети талабаси Феруза Усмонова. — Кўплаб фермерларнинг қишлоқ хўжалиги тармоқларини янада ривожлантириш борасида билдирган фикрлари билан ўртоқлашдик.


Айтиш жоизки, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш бебаҳо бойлигимиз бўлган ерларнинг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб бориш билан узвий боғлиқдир. Бу борада давлатимиз томонидан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Амалий мулоқотда қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий таълим муассасаларининг иқтидорли 10 нафар талабаси O‘zLiDeP ва Ўзбекистон Фермерлар кенгашининг “Келажак фермери” номли стипендиясига лойиқ кўрилди.

Тадбир якунида ушбу тадбирлар республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида ўтказилиши белгилаб олинди.

**Озод ОЧИЛОВ,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.

Тошкент вилояти



**Х**алқимиз етти хазина деб атайдиган, турмушимизда муҳим аҳамият касб этадиган тармоқлардан бири ўрмондир. Бу бежиз эмас, албатта. Келинг, айнан шу фикрни далилларда кўрамиз.

Маълумотларга кўра, дарахтлар тирикчилигимиз манбаи бўлган кислороднинг олтимиш фоизини ишлаб чиқарар экан. Бундан ташқари, улар битмас-туганмас хомашё ва озуқа манбаи ҳамдир. Шундай экан, ҳаёт хазинасини асраб-авайлаш, ўрмонларни янада кенгайтириш соҳа вакиллари га катта масъулият юклайди. Ахир айрим лоқайд, масъулиятсиз кимсаларнинг бепарволиги туфайли баъзи ўсимлик ва дарахт турлари камайиб кетаятгани, ўрмон жониворларининг келажаги хавф остида қолаётгани ҳам сир эмас. Ўрмонларни асраш, уларнинг ҳудудини кенгайтириш мақсадида Тошкент вилоятида ҳам эътиборга молик ишлар амалга ошириляпти.

**Биргина ўтган йилнинг ўзида Тошкент давлат ўрмон хўжалиги жамоаси томонидан маданий ва бошқа турдаги тез ўсувчи ўрмонларни янада кенгайтириш мақсадида 22 гектар майдонда янги маданий ўрмон барпо этилди. 8 гектар ердаги теракзорга 3200 туп терак, 2 гектар майдонга 250 туп шумтол, 3 гектарга 325 туп япон сафораси, 2 гектарга 200 туп қайроғоч кўчатлари экилиб, маданий ўрмонлардаги очик жойлар тўлдирилди. 4 гектар майдонда кўчатхона ташкил этилиб, барча агро-техник тадбирлар ўз вақтида ўтказилди.**

Шунингдек, ўрмон хўжалигида энг муҳим тадбирлардан бири бўлган ёнғин хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун зарур чора-тадбирлар кўрилди. Ёнғинга қарши курашишга мўлжалланган янги йўللار қурилди, эскилари таъ-

мирланди. Айни пайтда ўрмончилик участкаларида 5 минг дона крим қарағайи ниҳол ва кўчатлари, 540 дона лола дарахти ниҳоллари парваришланмоқда. Бундан ташқари, крим қарағайи уруғларидан ҳам кўчатлар етиштириш йўлга қўйилди.

— Ўрмон хўжалигимиз жами ер майдони 4721 гектар бўлиб, шундан 1372,4 гектари ўрмон билан қопланган, — дейди Тошкент давлат ўрмон хўжалиги раҳбари Фолиб Одилов. — Ўрмонларни муттасил кенгайтириб бориш, уларни асраш, шу билан бирга, қўшимча тармоқларни ҳам изчил ривожлантириб бориш устувор вазифаларимиздандир. Бу йўлда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳамжиҳатликда меҳнат қиляпмиз. Хўжалигимизда асаларичилик, балиқчилик, чорвачилик ва паррандачилик йўналишлари кўшимча тармоқ сифатида йўлга қўйилганки, уларни ривожлантириш имкониятларимиз юқори. Негаки, бу соҳаларнинг ривожланиши учун ўрмон хўжалигида моддий база мавжуд. Ўрмон хўжалигимизда 6,2 гектар майдонда сув ҳавзалари ташкил этилиб, 6,2 тонна балиқ етиштирилди. Асаларичиликни ривожлантириш мақсадида асалари оилалари 246 тадан 335 тага етказилиб, ўтган йили 7 тоннадан зиёд асал олинди. Шунингдек, чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотлари етиштириш бо-

расида ҳам ижобий натижаларга эришилди.

Дарҳақиқат, ўрмонларимиз нафақат табиат софлигини, балки мамлакатимиз иқтисодийети барқарорлигини таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда. Шу боис, соҳани ривожлантириш, янги ўрмонларни ташкил этиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга кенг эътибор қаратилмоқда. Бунинг Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи бошқармаси таркибидаги Бурчмулла ўрмон хўжалигида олиб борилаётган кенг қамровли ишларда ҳам яққол кўришимиз мумкин. Айни пайтда мазкур ўрмон хўжалигининг умумий ер майдони 355 минг гектарга яқин бўлиб, ўрмон билан қопланган қисми 44096,3 гектарни, маданий ўрмонлар 3027,9 гектарни, туташмаган ўрмонзорлар 1786,99 гектарни, кўчатхоналар 31 гектарни ташкил этади. Ўрмон хўжалиги 11 та назорат ҳудудига бўлинган бўлиб, 11 нафар катта ўрмон кўриқчисига бириктирилган. Улар, ўз навбатида, 99 нафар ўрмон кўриқчилари билан ҳамкорликда назорат, кўриқлаш ишларини олиб боришади. Айтиш жоизки, моддий-техник базаси ҳар жиҳатдан мустақкам бўлган хўжаликда ўрмон кўриқчилари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улар махсус алоқа воситалари, кийим бош, хизматда фойдаланиш учун ишчи отлар ва транспорт воситалари билан таъминланган. Ишчиларнинг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиши натижасида кўрсаткичлар салмоғи йил-



**Кейинги йилларда амалга оширилаётган ишлар натижасида Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи ҳудудида қор қоплони, кўнғир айиқ, силовсин, элик, жайра ва тўнғизнинг сони кўпайган. Ҳозир боғда олтимиш боздан зиёд қор қоплони, 200 бошга яқин кўнғир айиқ, юзлаб силовсин, элик ва бошқа ҳайвонлар мавжуд.**

**Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.**

**Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 55-модда.**

дан-йилга ошиб борапти. Ҳар йили янги-янги дарахтлар билан ўрмон ҳудуди кенгайиб бормоқда. Ўтган йили бодом, грек ёнғоғи, олма, нок, япон сафораси, крим қарағайи, ясен, камхастак, дуб, можжевельник, қайроғоч сингари мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ерга ишлов бериб экиш режаси 210 гектар эди. Амалда бу кўрсаткич 223,31 гектарни ташкил этади. Барпо қилинган ёш ўрмонлар парваришдан яшнаб, кундан-кунга кўкка бўй чўзмоқда.

Дарахт уруғчилиги ва кўчатхона ишини ташкил этиш ва ривожлантириш борасида ҳозирги кунда энг қимматли навлардан ҳисобланган крим қарағайи, каштан, япон сафораси, эман ва липа кўчатларини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хўжаликнинг 11 та назорат ҳудудида ҳам кўчатхоналар ташкил қилинган. 2014 йил давомида ташкил этилган 7,44 гектар майдондаги кўчатхоналарда 520 мингдан зиёд ҳар хил навдаги кўчатлар етиштирилди. Бундан ташқари, 825,22 мингта 2 ёшдан 10 ёшгача бўлган кўчатлар ҳам

раш борасида олиб борилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар ҳам ўзининг ижобий натижаларини берапти. Ўрмончиларнинг доимо сергаклиги, ўз ишига масъулият билан ёндашуви, тегишли чора-тадбирларнинг пишиқ-пухта амалга оширилиши натижасида охириги 5 йил ичида ёнғин содир бўлмаган. Бундан ташқари, ўрмонларни турли касалликлар, зараркундалардан ҳимоя қилиш мақсадида режадаги 6800 гектар ўрнига қарийб 7200 гектар майдонда чуқур текширув ишлари олиб борилди. Зараркундаларга қарши кураш асосан биологик йўсинда амалга оширилди.

— Ўрмонларимиз ҳолатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз яхши натижалар берапти, — дейди Бурчмулла ўрмон хўжалиги корхонаси директори Абдукарим Абдухамидов. — Ўтган йили 4800 гектар майдонда кўпроқ майдонда парваришланган, санитар кесиш ишлари олиб борилиб, белгиланган режа 103 фоизга унданди. Шунингдек, ўрмонмелиорация, ўрмонларнинг



**Беш юз йигирма нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган Бурчмулла ўрмон хўжалиги жамоаси ўтган йили 220 гектардан зиёд ерга ёнғоқ, арча, бодом, ясин, олма, каштан, ўрик, қарағай, олхўри, олча, жийда каби мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиб, “яшил олам” бойликларини янада оширишди.**

мавжуд бўлиб, улар 23,56 гектар майдонда парваришланмоқда. Муқояса қиладиган бўлсак, кўчат етиштириш ишлари 2000 йилга нисбатан 4 баробарга оширилди.

Ушбу хўжаликка қарашли заранг ер ва сийрак ўрмонларнинг бир қисми талабгор оилаларга ижарага берилган. Шартномага кўра, хўжалик ижарачини минерал ўғит, зарарли ҳашаротларга қарши воситалар билан таъминлайди. Ижарачи ижарага олинган майдонга ишлов беради, бошқача айтганда, бўш жой ва дарахти кам ҳудудларга ниҳол экади, парваришлайди. Бунинг учун иш ҳақи олади, қарамоғидаги майдоннинг рухсат этилган қисмига экин экиб, ҳосилига эғалик қиладди.

Ҳозир тоғ қишлоқларида яшовчи икки юз олтимиш етти оила шундай келишув асосида фаолият юритмоқда.

Бу эса аҳоли ўртасида табиати асраб-авайлаш ва бойитишдек шарафли ишни самарали ташкил этиш ҳамда уларни иш билан таъминлаш, оилалар манфаатдорлигини ошириш имконини ҳам беради. Ўрмонларни кўриқлаш, ас-

сувини кўриқлаш, суғориш тармоқларини қуриш ишлари ҳам ўз вақтида амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ўрмон хўжалигимиз негизда ташкил этилган ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини тобора кенгайтириб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Дарҳақиқат, ўрмон хўжалиги жамоаси ҳамжиҳатликда иш тутиб, қатор муваффақиятларга эришмоқда. Энг муҳими, улар зиммаларидаги масъулиятнинг нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини яхши билишади. Доимо сергак туришади. Улар айни шу кезларда, ўрмонлар қиш оғушида ширин уйқуга чўмган бир паллада ҳам бедору хушёр. Бу, албатта, бебаҳо хазинамиз калити ишончли қўлларда эканидан далолат беради.

Сирасини айтганда, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги изчил ислохотлар, яшиллик олами жонкуярларнинг изланишлари, астойдил қиладиган меҳнатлари самарасида соҳа ҳар жиҳатдан ривожланиб, такомиллашиб борапти.

**Раимкул СУЯРОВ,**  
“Qishloq hayoti” муҳбири.

МУТАХАССИС ТАВСИЯЛАРИ

ДОНА ДОН БОТМОН БЎЛУР...

Бунинг учун қиш фаслида ҳам ғалла майсалари парваришига алоҳида эътибор зарур

Ҳазрат Навоий таъриф этади:

**Дехқонки, дона сочар, дон сочмоқ била ризқ йўли очар...**

Бир дона бугдойнинг ерга сепилишидан то нонга айлангунча қанча кишининг меҳнати кетишинию қанча жонзотга ризқ улашинию биласизми? Дона дон ерга тушгунча ерни шудгорлаш, уруғни тайёрлаш талаб этилади. Уруғ экилиб, майсалар парваришида бевосита иштирок этадиган кишиларни ҳисобласак, бу миқдор янада ортади. Урим-йиғим ишлари, хирмон чошлашу донни сақлаш, сўнгра тегирмон, ахийри, новвой қўлларида тандирдан узилгунча яна ўнлаб киши меҳнати зарур. Нонни бозорга элтмоқ, дастурхонга тортмоққа ҳам яна бир неча киши меҳнат сарф этади. Бу жараёнда қанча киши тирикчилигини ўтказиб, қанча киши оиласини тебратади.

Яна Навоийдан иқтибос келтирамиз:

**Дехқонки, тузлик била дона сочар,**

**Ҳақ бирига етти юз эшигин очар...**

Бу жумлалар ҳам ҳақиқат эканлигини, деҳқон донининг баракаси мўллигини оддий бир мисолда кўришимиз мумкин. Бир дона дон униб чиқса, майса ўн саккиз-йигирматагача туплайди. Ҳар тупдаги бошоқда қирқдан зиёд дон бўлади. Демакки, тадрижий ҳисоб-китобда ҳам кўринадики, бир дона бошоқ етти юзга етиши мумкин.

Миришкор ғаллакорларимиз буни яхши билишади. Шу боис ҳам ғалла экилганидан то йиғиштириб олингунча бўлган агротехник тадбирларни оби-тобида ўтказишга ҳаракат қилишади. Жумладан, қишда олиб бориладиган ишларга ҳам алоҳида эътибор билан ёндашади. Боиси, қиш тадбирлари баҳорги юмушларда қулайлик туғдиради. Майсаларни қишнинг қорли-қировли қаҳратонидан омон сақлаш имконини беради.

Шу кунларда ғалла майсалари тиним даврида бўлса-да, деҳқон тинмайди. Уларнинг матонатли меҳнати баракасида қуйидаги тавсиялар ҳам қўл келади, деган умиддамиз.

Айни пайтдаги энг муҳим агротехник тадбирлардан бири – 1 гектар майдонга ўртача 5 тоннадан маҳаллий ўғит жамғаришдир. Ҳар 5 гектар майдонга 1 тадан 20-25 тонна маҳаллий ўғитни “шарбат”га айлантириш учун ҳандакларга солиб, устидан 5-10 см. қалинликда кўмиб қўйиш лозим.

Бошоқли дон экинларини ўсиш-ривожланиш даврини аниқлаш мақсадида, ғалла майдонларини зудлик билан мониторингдан ўтказиш (тўла туплаган, 3-4 барг, 1-2 барг ҳосил қилган, униб чиқмаган майдонларни аниқлаш) керак. Ниҳоллар 3-4 барг ёки униб чиқмаган майдонларда агар ер ёрилий ҳолатлари аниқланса, бундай май-

донларга куруқ гўнг сочишни ташкил этиш (далада юза гўнг қатламини ҳосил қилиш) ҳамда шу майдонларни ҳар 2-3 кунда кузатиб бориш зарур.

Кечки муддатларда экилган, ривождан орқада қолган, қишлоғга тупламасдан кирган ва сийрак униб чиққан ғалла майдонларининг ҳар гектарига камида 10 тоннадан маҳаллий ўғит чиқаришни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ғалла майдонларини сув билан таъминлайдиган ички ариқларни тозалаш ишлари амалга оширилиши керак.

Ғаллани азотли ўғитлар билан 1-озиклантириш ишлари февраль ойининг охирига тўғри келишини ҳисобга олиб, ўғит сепиш мосламалари, (НРУ-05) ўғит ташиш учун мўлжалланган транспорт тракторларини таъмирдан чиқариш ўғитлаш мавсумини қисқа муддатларда сифатли яқунлаш имкониятини беради. Шунингдек, озиклантириш учун етарли минерал ўғитлар захирасини тайёрлаш талаб этилади.

Февралдаги энг муҳим тадбирлардан бири бу – ғалла майдонларида ниҳолларни қишлоғдан чиққанлигини аниқлаб, 1-озиклантиришни ўтказишдир. Республикамиз ҳудудларига қараб эрта баҳорги озиклантиришнинг тахминий минтақалари февралнинг 2-ўн кунлигига тўғри келади. Эрта баҳорги озиклантиришда азотли ўғитларнинг йиллик меъёрини (180-210 кг. соф



ҳолида) таъсир этувчи модда ҳисобида 25 фоизини бериш тавсия қилинади.

Эрта баҳордаги азотли озиклантиришда, энг биринчи навбатда, кеч муддатларда экилиб, қишлоғдан қийинчилик билан чиққан майдонларда, ундан кейин уруғлик етиштириш учун экилган майдонларда ва ниҳоят қолган майдонларда ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Қишлоғга тупламасдан кирган, устига-устак, қишдан қийинчилик билан чиққан майдонлардаги ўсимликларни 100 кг. дан кўшимча озиклантириш талаб этилади.

Маълумки, эрта баҳорда тупроқ таркибидаги озика моддалар миқдори камайиб кетишидан ташқари, ўсимлик нозик ҳолда қишдан чиқади ва озик моддаларга ниҳоятда муҳтож бўлади. Шу пайтда экинни озиклантириш кўчат қалинлигини барқарорлаштириб, ўсимликда тупланиш жараёнини жадаллаштиради, шунинг ҳисобига 1 м<sup>2</sup> да 550-600 тагача маҳсулдор поя ҳосил қилишга эришиш мумкин. Эрта баҳорги озиклантириш ўз муддатида ўтказилса, ҳар гектар ердан 4-6 центнергача кўшимча ҳосил олишга эришилади.

Экинни озиклантиришда азотли ўғитлар меъёрини аниқлашда ўсимликлар ўсиш жараёни қай даражада эканлиги муҳим ўрин тутади. Агар ўсимликларда ўсиш жараёни кеч бошланса, бу даврга келиб ҳаво ҳарорати тез қўтарилади, ривожланиш фазаларини ўтиш вақти ва озика моддалар ўзлаштирилиши

пасаяди. Шу даврда ўсимликда тупланиш ва генератив органлар ривожланишини кучайтириш мақсадида, азот меъёрини йиллик меъёрига нисбатан 25 фоиз эмас, балки 30 фоизга оширилиши тавсия қилинади.

Азот меъёри бундан оширилса, ўғитни ортиқча қисми сув ёки ёғингарчилик билан ювилиб кетади. Озиклантиришдан сўнг ҳар бир минтақадаги ғалла майдонлари тупроқ намлиги ва иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда гектарига 700-800 м<sup>3</sup> ҳисобида суғорилади.

Суғориш жараёнида кўшимча озиклантириш мақсадида, жамғарилган маҳаллий ўғитларнинг 60-70 фоизи “шарбат” усулида оқизилиши яхши самара беради. Февраль ойининг 2-ўн кунлигидан бошлаб бугдой майсалари ривожланиши суст бўлган майдонларга алоҳида эътибор берилиши лозим. Минерал ва маҳаллий ўғитларни эрта берилиши ўсимликларни эртароқ ривожланишини таъминлайди.

Шуни унутмаслик керакки, ушбу тадбирлар об-ҳавога қараб ўтказилиши лозим. Озиклантиришда навларнинг биологик хусусиятларига — эртапишарлиги (“Звезда”, “Чиллаки”, “Омад”, “Матонат”, “Яксарт”, “Замин-1”, “Кума”, “Есаул”, “Андижон-4”, “Бобур”, “Марс-1”), ўртапишарлиги (“Гром”, “Нота”, “Таня”, “Краснодар-99”, “Сила”, “Андижон-2”, “Рапсодия”, “Зимница”) ва кечпишарлигига (“Дурдона”, “Андижон-1”, “Восторг”, “Половчанка”, “Память”) алоҳида эътибор бериш керак. Чунки эртапишар навлар бошқа навларга нисбатан 7-10 кун эрта найчалаш босқичига киради.

Бу эса эртапишар навларни бошқа навларга нисбатан 10 кун эртароқ озиклантиришни талаб этади.

Шунингдек, агрономларнинг хулосаларига кўра, касалликларга, зараркунанда ҳашаротлар ва бегона ўтлардан кучли зарарланадиган майдонларни аниқлаб чиқишга алоҳида эътибор бериш керак. Шунда ғаллазорларнинг турли касалликлари олди олинади, пировардида, мўл ҳосилга пухта замин яратилади.

**Р.СИДДИҚОВ,**

қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

Бухоро Вилояти



ОБИҲАЁТ ТАҚСИМОТИДА ҚУЛАЙЛИК

Вобкент тумани ҳудудида жойлашган “Коза” сув иншооти тўлиқ реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Ромитан, Шофиркон, Пешку ва Вобкент туманларига сув етказиб берадиган иншоотда қурилиш ишлари “Ромитандавсувмахсуспудрат” давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилди.

– Янги иншоотда сувни меъёрлаш, ўлчаш қурилмалари тўлиқ электрлаштирилган бўлиб, барча маълумотлар диспетчерлик хизмати хонасидаги компьютерда акс этади, – дейди сув тақсимлаш иншооти бошлиғи Ориф Комилов. – Бу эса тақсимотда аниқлик ва меъёрни белгилаб, истеъмолчилар учун қулайлик яратади.

Ушбу ишлар Президентимизнинг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхши-

лаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида амалга оширилмоқда.

Ўтган йил давомида вилоятда бу каби ирригация тадбирлари учун 7 та объектда 14,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ўзлаштирилган эди. Айни пайтда давом этаётган бу борадаги бунёдкорлик ишлари воҳа миришкорларининг обиҳаётга бўлган талабини янада тўлароқ қондиришга хизмат қилади.

**Ҳамроз АЛИ,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.

Сургарё Вилояти

ЗАМОНАВИЙ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР САМАРАСИ

Президентимиз 2014 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ғалла, пахта, сабзавот, полиз ва боғдорчилик маҳсулотларини етиштиришда катта ютуқларга эришилаётганини қайд этган ҳолда қишлоқ хўжалигида барча агротехник тадбирларни бажариш, замонавий агротехнологияларни қўллашда ривожланган мамлакатлар, омилкор деҳқонлар тажрибаларини ишлатиш муҳим аҳамият касб этаётганлигини қайд этиб ўтди.

Дарҳақиқат, деҳқончиликда илғор тажрибаларга амал қилиш, ер, тупроқ шароитига мос навларни тўғри танлаш ғалла ва пахтачиликда ҳосилдорликни янада ошириш имконини беради. Айниқса, ғалла экинларини минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиклантиришни ўз вақтида ўтказиш, ғалла баргига суспензия сепиш мўл ва юқори ҳосил етиштириш омилдир. Буни Мирзачўл шароитида Сайхунобод тумани ғаллакорлари эришаётган ютуқларда ҳам кўриш мумкин.

Чунончи, ўтган йили туманда 29 минг тоннадан ошқ сара дон хирмони барпо этилди. Омилкорона иш юритаётган

“Бегали”, “Икром Қоратоев”, “Мақсад”, “Фахриддинхўжа”, “Қурбонхўжа” фермер хўжаликларига ҳар гектар майдонда 55-60 центнердан ғалла етиштирилди.

2015 йилда катта мақсадларни кўзлаб меҳнат қилаётган туман ғаллакорлари 11 минг 400 гектардан ошқ майдонда ғалла майсаларининг қишга тўлиқ туплаб киришига эришдилар.

– Ғалла ривожини янада тезлаштириш, мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратиш мақсадида жорий йилнинг январь ва февраль ойларига далалар бошига 50 минг тоннадан зиёд маҳаллий ўғит жамғаришни

мақсад қилиб қўйганмиз, – дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиғи бўлиғи бошлиғи Одилжон Саидов. – Айни чоғда маҳаллий ўғитни эгатларга “шарбат” усулида оқизиш чораларини кўряпмиз. Ҳар гектар майдонга 4,5-5 тонна гўнг “шарбат” усулида оқизилади. Бу даврда берилган “шарбат” ғалла илдизини қизитиб, майсалар баравж, бақувват бўлиб ўсишини тезлаштиради. Шу билан бирга, бошоқлар сони кўпайиб, маҳаллий ўғит ҳисобига ҳосилдорлик 10-15 центнер ошишини таъминлайди. Қолаверса, гўнг билан тўлиқ икки-уч марта озиклантирилган экин ўзига касаллик юқтирмайди.

Тумандаги “Шўрузак”, Қ.Султонов, Т.Фуломов номли, “Ўзбекистон”, “Бирлашган” сув истеъмолчилари уюшмаларидаги фермер хўжаликларига қишга бир текис туплаб кирган ғалла майсалари бу йил ҳосилнинг мўл бўлишини кўрсатиб турибди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**  
“Qishloq hayoti” мухбири.

# ПРИГЛАШЕНИЕ № 2015 – 01 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРОГРАММЫ СТРОИТЕЛЬСТВА ЖИЛЬЯ ДЛЯ КОМПЛЕКСНОГО РАЗВИТИЯ СЕЛА

Издано: 28 января 2015 г.

1. Во исполнения "Постановления Президента Узбекистан №ПП-2282 "О программе по строительству индивидуального жилья по типовым проектам в сельской местности на 2015 год и основных параметрах строительства на 2016 год". Финансирование строительства будут осуществляться за счет средств ипотечного кредита АКИБ "Ипотека банк". Финансирование будут использованы утвержденными покупателями жилых домов в сельской местности на покрытие платежей по заключенным контрактам для нижеуказанных лотов. Положения и условия контракта и платежи по данным контрактам должны, следовательно, соответствовать всем положениям действующих законодательств РУз.

2. Для участия в торгах принимаются запечатанные предложения по нижеуказанным лотам от правомочных участников торгов. Только правомочные участники торгов, зарегистрированные в государственных органах и отвечающие ключевым требованиям оценки и критериям квалификации в соответствии с Разделом 3 тендерной документации могут быть допущены к конкурсным торгам. Участники торгов должны ознакомиться с тендерной документацией для принятия решения об участии в тендерных торгах.

3. Для получения дальнейшей информации и ознакомления с тендерной документацией, участникам торгов следует связаться с организатором конкурсных торгов – Ташкентским областным территориальным консалтинговым центром по ценообразованию и конкурсным торгам по следующему адресу: г.Ташкент, ул. Навойи 18. Телефон: (0-371) 241-15-26. Факс: (0-371) 241-15-37.

4. В целях приобретения тендерных документов на русском языке, правомочные участники торгов должны направить письмо организатору конкурсных торгов на вышеуказанный адрес и приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в сумме 85000 узбекских сумов. Языком торгов является русский язык. Все разделы тендерной документации доступны также на узбекском языке, только для ознакомления. Все контракты будут заключены на русском языке.

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – Ташкентскому областному территориальному консалтинговому центру по конкурсным торгам и ценообразованию. Ниже представлены его реквизиты банковских

счетов: Банк: ОАКБ "Узпромстройбанк" Ташкентский областной региональный филиал ИНН: 300017720, Р/с: 20210000704546027001. ОКОНХ: 84500.

6. **Форматы для документов**, требуемых для подачи конкурсного предложения, определены в Разделе 1, Инструкции для участников торгов (ИУТ), которые входят в состав тендерной документации. Конкурсное предложение должно содержать Письмо-предложение об участии в тендерных торгах и остальные документы, приведенные в тендерной документации. Технические и Ценовые предложения должны быть представлены в отдельных запечатанных конвертах, оба вложенные в один внешний конверт, который тоже должен быть запечатан.

7. Техническое предложение должно содержать следующие документы, перечисленные в ИУТ 11.2 Тендерной документации:

- Письмо – техническое предложение;
- Декларация об обеспечении тендерного предложения в соответствии с ИУТ 19;
- Доверенность, уполномочивающая, подписывать Конкурсное предложение в соответствии с ИУТ 20.2;
- Документальное подтверждение квалификации Участника торгов для выполнения контракта, в соответствии с ИУТ 17;
- Техническое предложение в соответствии с ИУТ 16;
- Другие документы в соответствии с Информационной таблицей торгов Раздела 2.

8. Ценовое предложение должно содержать следующие документы, перечисленные в ИУТ 11.3 Тендерной документации:

- а. Письмо – ценовое предложение;
- б. Ресурсные сметы и заполненные таблицы цен, в соответствии с Информационной таблицей торгов, а также и ИУТ 12 и 14;
- с. Другие документы, указанные в Информационной таблице торгов.

9. В дополнение к оригиналу конкурсного предложения, нужно представить две копии, вложенные и запечатанные в отдельные конверты четко маркированные "Копия", которые должны быть в точности такими же, как и оригинал.

Участники торгов должны представить техническое предложение, включая электронную копию, в одном конверте, с отметкой ТЕХНИЧЕСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ. Ценовое предложение, включая электронную копию, должно быть представлено в другом конверте, с отметкой ЦЕНОВОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ. Оба конверта со-

держивающие оригинал технического и ценового предложения должны быть представлены в отдельных запечатанных, должным образом, маркированных конвертах с надписями "ОРИГИНАЛ-ТЕХНИЧЕСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ", "ОРИГИНАЛ-ЦЕНОВОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ" и "КОПИЯ №...-ТЕХНИЧЕСКОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ" и "КОПИЯ №...-ЦЕНОВОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ".

Для технического и ценового предложения, отдельно, Участник торгов должен представить электронную копию оригинала технического предложения, включая электронную копию Формы для участника торгов: Раздел-1, включенную в пакет тендерных документов. Электронную копию оригинала ценового предложения с электронной копией Формы для участника торгов: Раздел-2 и ресурсную смету, входящих в пакет тендерных документов. Все электронные копии должны быть представлены в отдельных CD дисках или флеш-носителях информации, находящиеся в рабочем состоянии и безопасных от вирусов. В случае расхождений между распечатанным оригиналом и электронным оригиналом, распечатанная версия будет превалировать.

10. Прием конкурсных предложений осуществляется Ташкентским областным территориальным консалтинговым центром по ценообразованию и конкурсным торгам, начиная со дня объявления о проведении конкурсных торгов в рабочее время (с 9:00 до 18:00 с понедельника по пятницу) по вышеуказанному адресу в пункте 3. Тендерные предложения будут получены ташкентским областным территориальным консалтинговым центром по ценообразованию и конкурсным торгам в день или раньше конечного срока подачи предложений, который указан ниже. Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно ниже приложенной таблице, в присутствии представителей участников торгов. Конкурсные предложения будут вскрываться по нижеуказанному адресу: г.Ташкент, Проспект Амира Темура 17. Телефон: (0-371) 236-77-68, Факс: (0-371) 236-77-68

11. Открытые форумы для заинтересованных подрядчиков будут проведены в Ташкентском областном хокимияте в 11:00, 10 февраля 2015 г. по адресу, указанному выше.

# ПРИГЛАШЕНИЕ № 2015 – 01 ДЛЯ УЧАСТИЯ В КОНКУРСНЫХ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРОГРАММЫ СТРОИТЕЛЬСТВА ЖИЛЬЯ ДЛЯ КОМПЛЕКСНОГО РАЗВИТИЯ СЕЛА

Издано: 28 января 2015 г.

№ лота	Область	Район	Массив	Кол-во домов в	Номерация домов	Конечный срок подачи предложений
<b>ТАШКЕНТСКАЯ ОБЛАСТЬ</b>						
201	Ташкент	Чиноз	Охунбобоев	7	1,2,3,4,5,6,7	16 февраля 2015 года в 12:00
202	Ташкент	Чиноз	Чиноз	7	1,2,3,4,5,6,7	16 февраля 2015 года в 12:00
203	Ташкент	Чиноз	Т.Охунова	11	1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11	16 февраля 2015 года в 12:30
204	Ташкент	Чиноз	Т.Охунова	10	12,13,14,15,16,17,18,19,20,21	16 февраля 2015 года в 12:30
205	Ташкент	Уртачирчик	Янгихаёт	7	1,2,3,4,5,6,7	16 февраля 2015 года в 14:00
206	Ташкент	Уртачирчик	Янгихаёт	7	8,9,10,11,12,13,14	16 февраля 2015 года в 14:00
207	Ташкент	Уртачирчик	Янгихаёт	7	15,16,17,18,19,20,21	16 февраля 2015 года в 14:30
208	Ташкент	Уртачирчик	Янгихаёт	7	22,23,24,25,26,27,28	16 февраля 2015 года в 14:30
209	Ташкент	Уртачирчик	Янгихаёт	7	29,30,31,32,33,34,35	16 февраля 2015 года в 15:00
210	Ташкент	Уртачирчик	Янгихаёт	7	36,37,38,39,40,41,42	16 февраля 2015 года в 15:00
211	Ташкент	Уртачирчик	Янгихаёт	7	43,44,45,46,47,48,49	16 февраля 2015 года в 15:30
212	Ташкент	Уртачирчик	Янгихаёт	7	50,51,52,53,54,55,56	16 февраля 2015 года в 15:30
213	Ташкент	Уртачирчик	Янгихаёт	7	57,58,59,60,61,62,63	16 февраля 2015 года в 16:00
214	Ташкент	Уртачирчик	Янгихаёт	7	64,65,66,67,68,69,70	16 февраля 2015 года в 16:00
215	Ташкент	Уртачирчик	Янгихаёт	7	71,72,73,74,75,76,77	16 февраля 2015 года в 16:30
216	Ташкент	Уртачирчик	Янгихаёт	8	78,79,80,81,82,83,84,85	16 февраля 2015 года в 16:30
217	Ташкент	Уртачирчик	Учокли	7	1,2,3,4,5,6,7	16 февраля 2015 года в 17:00
218	Ташкент	Уртачирчик	Учокли	7	8,9,10,11,12,13,14	16 февраля 2015 года в 17:00
219	Ташкент	Уртачирчик	Учокли	7	15,16,17,18,19,20,21	16 февраля 2015 года в 17:30
220	Ташкент	Уртачирчик	Учокли	7	22,23,24,25,26,27,28	16 февраля 2015 года в 17:30
221	Ташкент	Уртачирчик	Учокли	7	29,30,31,32,33,34,35	16 февраля 2015 года в 18:00
222	Ташкент	Уртачирчик	Учокли	7	36,37,38,39,40,41,42	16 февраля 2015 года в 18:00
223	Ташкент	Уртачирчик	Учокли	8	43,44,45,46,47,48,49,50	16 февраля 2015 года в 18:30
224	Ташкент	Зангиота	Тарик тешар	7	1,2,3,4,5,6,7	16 февраля 2015 года в 18:30
225	Ташкент	Зангиота	Тарик тешар	7	8,9,10,11,12,13,14	16 февраля 2015 года в 19:00
226	Ташкент	Зангиота	Тарик тешар	7	15,16,17,18,19,20,21	16 февраля 2015 года в 19:00
227	Ташкент	Зангиота	Тарик тешар	7	22,23,24,25,26,27,28	16 февраля 2015 года в 19:30
228	Ташкент	Зангиота	Тарик тешар	7	29,30,31,32,33,34,35	16 февраля 2015 года в 19:30
229	Ташкент	Зангиота	Тарик тешар	7	36,37,38,39,40,41,42	16 февраля 2015 года в 20:00
<b>ИТОГО</b>				<b>212</b>		

Примечание: текст данного объявления первоначально был напечатан в 2015 году 24 января в газете "Биржа" за №9 (1876).

Ташкент ш. Учтепа т. ТСРҮИда (06.11.2009 й., реестр № 003249-01) рўйхатдан ўтган "INVEST HOUSE BIZNES" МЧЖга (ИНН 205279054) тегишли Гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ташкент ш. Учтепа т. ТСРҮИда (01.06.2012 й., реестр № 005186-01) рўйхатдан ўтган "TASHKENT CRYSTAL" МЧЖга (ИНН 302317314) тегишли Гувоҳнома ва думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ташкент ш. Юнусобод т. БТИ томонидан Эшонкулов Умид Пардаевич номига Ташкент ш. Юнусобод т. 5-мавзе 9-уй 18-хонадон учун берилган кадастр хужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ташкент ш. Юнусобод т.га қарашли 87-мактаб томонидан 1983 й.да Нуриддинова Маъсуда Бахрамовна номига берилган 8-синфни тамомлаганлик тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ташкент ш. Бектемир т. ТСРҮИ томонидан (реестр № 000448-02, 10.05.2007 й.) рўйхатга олинган "ARISTELLA-TRADE" МЧЖ (СТИР 206850706) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 24.12.2014 й.даги № 3-сонли буйруқ). Кредиторлар ва дебиторлар давволари 2 ой муддатда (93) 510-34-00 тел. орқали қабул қилинади.

Ташкент ш. М.Улуғбек т. ТСРҮИ томонидан (реестр № 002752-04, 22.03.2007 й.) М.Улуғбек т. Улуғбек шаҳарчаси Ядро физикаси институти худуди манзили бўйича рўйхатга олинган "EKOTEHNOLOGIYA" хусусий корхонаси (СТИР 300362816) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 22.01.2015 й.даги 1-сонли қарор). Кредиторлар ва дебиторлар давволари 2 ой муддатда 289-36-07 тел. орқали қабул қилинади.

Ташкент ш. Шайхонтоҳур т. БТИ томонидан Латипов Нодир Сабиржоневич номига Ташкент ш. Шайхонтоҳур т. Тахтапул 7-тор кўча 8-уй учун берилган уй плани ва кадастр хужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ташкент фармацевтика институти томонидан 2013 й.да Махкамова Саида Бориевна номига берилган 7905 рақамли сертификат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббиёт билим юрти (хозирда 1-тиббиёт коллежи) томонидан 1993 й.да Ҳакимжонова Нарғиза Абдусаламовна номига берилган СТ-1 № 489410 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарашли Тиббиёт билим юрти томонидан 1994 й.да Абдурахманова Жанар Файзрахмановна номига берилган № 023009 (рег. № 1649) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЧФ "MUSAVOY-OTA" (ИНН 202361605) соошцаёт об изменении формы собственности на ООО "MUSAVOY-OTA". Тел.: 169-37-85.



## ҚИЗИЛИ ФОЙДАЛИМИ ЁКИ ОҚИ?

Одатда, биз бозордан ранги ўзимизга маъқул тухумни сотиб оламиз. Кимдир оқ рангли тухумни хоҳласа, кимдир қизили ёқади. Оқ ва қизил тухумнинг фарқи нимага?



Бу саволнинг жавоби эса оддий: ҳамма гап товукда. Тожлари оқ ва оқиш оқ товуклар оқ тухум қўяди, патлари жигарранг, тожларининг ранги тўқ ола-чипор товуклар қизил тухум қўяди. Аслида тухумларнинг озуқавий қиймати бир хил. Битта йирик товук тухумида (рангидан қатъи назар) ўртача 72-78 килокалория бор). Тухумларда пўчоғининг рангидан бошқа фарқ йўқ. Фақат ёш товуклар пўчоғи қаттиқроқ ва қалинроқ тухум қўяди. Шунингдек, товукнинг овқати ҳам сарифининг ранги ва таъмига таъсир қилиши мумкин.

Мутахассисларнинг фикрича, парранда тухумида 13% оқсил, 11% ёғ, 1% минерал моддалар ва витаминлар комплекси кузатилади. Тўйимлилиги жиҳатидан 10 донга товук тухуми 0,8 кг. мол гўштига тўғри келади. Тухум таркибида 85% га яқин сув бўлиб, қолгани соф оқсил, витамин ва ферментлардан иборат. Тухумнинг сариқ моддасида 52% сув, 32% ёғ ва 16% га яқин оқсил бўлади.

“Тухум қанча катта бўлса, шунча яхши ва фойдали” деган гап ҳам тўғри

эмас. Катта тухумларда (55-65 гр. ёки 65-77 гр.) сув кўпроқ, озуқавий моддалар концентрацияси камроқ, бундай тухумларни қари товуклар қўяди. Энг маъқули – ўртача катталиқдаги (55-45 гр. ва 35-45 гр.) тухум. Одатда ёш товуклар қўядиган бу тухумлар тўйимли ва мазалироқ.


Маълумотларга кўра, тухум пўчоғи ҳам бир қанча хусусиятларга эга. Тухум пўчоғи таркиби одам суяги ва

тиши таркиби билан ҳайратланарли даражада мос келади. Таомга майдаланган тухум пўчоғини кўшиш соч ва тирноқлар синувчанлиги, милк қонаши, қабзият, жиззакилик, уйқусизлик ва астманинг олдини олади. Даволаш учун фақат янги, эндигина арчилган тухум пўчоғи ишлатилади.

**Тухум етти кун давомида парҳезбоп ҳисобланади, шундан сўнг оддий тухумга айланади. Тухум янги ёки муддати ўтганини билиш учун бир литр сувга юз грамм туз солиб, унга тухумни ботирасиз. Янги бўлса, тухум сув тубига чўкиб кетади, эскирган бўлса, сув юзасида қолади. Шунингдек, тухумни музлаткичдан олибоқ қайнатманг. Бир муддат хона ҳароратида турсин. Йўқса, қайнатаётганда ёрилади. Савдо расталаридан тухум танлаётганингизда унинг рангига ва оғирлигига эътибор беринг. Сифатли тухумнинг вазни оғирроқ бўлади.**

## Картошка семиртмайди

Дэвисдаги Калифорния университети ва Иллинойс технология институти олимлари ўтказган янги тадқиқот натижалари картошка семиртирмаслиги, балки оздириши мумкинлигини кўрсатди.



Таъриба давомида ортиқча вазндан азият чекадиган тўксон нафар эркек ва аёл уч гуруҳга бўлинган ҳолда иштирок этди. Ҳамма қатнашчиларга картошка, соғлом овқатланиш учун кўрсатмалар берилди. 12 ҳафталик тадқиқот давомида олимлар учала гуруҳнинг ҳам озганига гувоҳ бўлишди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, картошканинг семиришга олиб боришига ҳеч қандай исбот йўқ. Аксинча, у оздириш дастурининг бир қисми бўлиши мумкин.

Ушбу тадқиқот натижалари картошкани яхши кўрадиганлар учун яхши янгиликдир. Боиси, картошка таркибида С витамини бўлиб, ёғ, натрий ёки холестерин моддалари мавжуд эмас.



## МИКРОТЎЛҚИНЛИ ПЕЧ таомга зарар етказмайди

Микротўлқинли печлар одатий овқат тайёрлаш усулига қараганда таомлардаги озиқ моддаларни кўпроқ сақлар экан.

Одатда газ плитаси ва одатий духовкаларда овқат тайёрлаш жараёнида маҳсулотлар таркибидаги иссиққа таъсирчан озиқ моддалар миқдори ва фойдалилик хусусиятлари (масалан, сабзавотлар таркибидаги фолий кислота, В ва С витаминлари) камаяди.

Микротўлқинли печда овқат тайёрлаш учун кам вақт сарфлангани ҳисобига маҳсулотлардаги фойдали озиқ моддалар йўқолишга улгурмайди. Лекин ундан таркиби В 12 витаминига бой бўлган маҳсулотлардан таом тайёрлашда фойдаланмаган маъқул. Сабаби, ис-

сиқлик натижасида бу витамин нофаол шаклга ўтади. Жараёнда сув миқдори чеклаш дармондориларнинг йўқолишини камайтиради.

Тадқиқотларда аниқланишича, одатий тарзда ва микротўлқинли печда тайёрланган овқатлар озиқ моддаларни сақлашига кўра бир-биридан деярли фарқланмайди. Буғда пиширилган сабзавотлардагина витамин ва минераллар кўрсаткичлари баланд бўлади. Шунингдек, микротўлқинли печга сут солиш ярамайди. Бу ундаги антибактериал хусусиятларни йўқотади.

## БИЛАСИЗМИ?

### Суякни мустақамловчи маҳсулотлар

Инсон организмнинг таянч нуқталари бўлган суякларни мустақамлашда қуйидаги маҳсулотларни тановул қилиб туриш фойдали ҳисобланади:

#### ЙОГУРТ

Суякларни мустақамлайдиган энг яхши сут маҳсулоти – йогуртда кальций, D витамини мавжуд. Бундан ташқари, у оқсил манбаи ҳам ҳисобланади.



#### ПИШЛОҚ

Сут маҳсулотлари ичида энг кўп кальций пишлоқ таркибида бўлади. Лекин уни кўп ейиш тавсия этилмайди.



#### ИСМАЛОҚ

Исмалоқ таркибида К витамини, кальций, калий, магний, фосфор, В гуруҳи витаминлари, С витамини бор. Бу эса суякларнинг ривожланиши ва мустақамлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.



#### СОЯ

Унинг таркибида ҳам кальций миқдори кўп. Иккинчидан, унда остеопорознинг олдини олувчи эстрогенлар мавжуд.


#### КАРАМ

Мутахассисларнинг таъкидлашича, 100 грамм тузланган карам таркибида кунлик кальций меъёрининг 25 фоизи мавжуд экан.



#### БОШОҚЛИ ЎСИМЛИКЛАР

Уларда В гуруҳи витаминлари бор. Улар орасида энг яхши девзира гуруҳи. Бошоқлилар таркибида кальций, магний, фосфор ҳам мавжуд.



Бир марта овқат истеъмол қилинганда инсон организм атиги 500 мг.гача кальцийни ўзлаштиради. Шу боис, бир йўла кальцийга бой маҳсулотларни кўп истеъмол қилишнинг ҳожати йўқ.

Суяклар учун нималар зарарли: кофеин, ширинликлар, нордон маҳсулотлар, алкоголь.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Бош муҳаррир:  
**Чори ЛАТИПОВ**

#### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агрисаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

#### ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Шухрат ТЕШАЕВ, Улугбек УЗОҚОВ, Содикжон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Фарход ОМООНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдихоҳ ТАМИКАЕВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).



Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

#### ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 401-29-59; Жиззах — (+99890) 310-06-99; Навоий — (+99891) 332-00-88; Наманган — (+99890) 278-95-87; Фарғона — (+99890) 407-76-03; Самарқанд — (+99893) 994-57-08; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар:

236-26-50,  
233-28-04.



Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

#### Набатчи муҳаррир:

А.ҚАРШИЕВ

Мусаҳҳих:

С.ЗИЁДУЛЛАЕВ

Дизайнер:

Н.ТЕМИРОВ

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади.  
Буюртма Г-119, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 22.00  
26250 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.  
Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.